

**Дин ишлари бўйича қўмитада аниқланган ҳар бир манфаатлар тўқнашуви
ҳолатларига нисбатан ички идоравий текширув натижалари, қабул қилинган
қарор ва уларнинг олдини олиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги
МАЪЛУМОТ**

Қўмита раисининг 2022 йил 14 январдаги 1А-сон буйруғи билан тасдиқланган Дин ишлари бўйича қўмита ва унинг худудий бошқармаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низомга асосан Дин ишлари бўйича қўмита ва унинг худудий бошқармаларида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, унинг олдини олиш тартиби белгиланган.

Мазкур Низом Қўмита марказий аппарати ва худудий бошқармаларнинг барча ходимларига таништирилган.

Қўмита ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришида ва (ёки) Қўмитанинг манфаатларини ифодалашда ушбу Низомда белгиланган тамойилларга амал қилиши, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлаши шартлиги бўйича мажбуриятларни қатъий амал қилиши, Қўмита манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида коррупцияга карши ички назорат бўйича масъул ходимни хабардор қилиш амалиёти жорий этилган.

2023 йил давомида Қўмита ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарлар келиб тушмаган.

Шунингдек, ўтган даврда ўрганишлар давомида манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланмаган, манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ҳақида алоқа каналлари орқали маълумотлар келиб тушмаган.